

**ИЗЧИЛЛИК АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Юлдашева Фароғат Туракуловна

ЎзМУХФ ўқитувчиси

Узлуксиз таълим тизимида талабаларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришда изчиллик муаммоси, махаллий ва хориж олимларининг мавзу юзасидан олиб борган тадқиқотлари таҳлили, таълимнинг узвийлиги – таълим мазмунининг тизимлилиги, изчиллиги ва мантиқан боғлиқлиги юзасидан кўплаб тадқиқотлар ўрганилди, шунингдек, педагогика назариясида изчиллик муаммосининг холати ва педагогик ходиса сифатида изчилликнинг моҳиятига аниқлик киритилди ҳамда узлуксиз таълим тизимида рус тили тайёргарлигининг қиёсий таҳлили: махаллий ва хорижий тажриба ўрганилган.

Илмий билимларнинг доимий янгиланиб бориши, техника ва технологиялар, меҳнатни ташкил қилиш шакллари ривожланишининг инқилобий суръатлари шароитида узлуксиз таълим тизимини яратиш зарурлиги тўғрисидаги масала табиий равишда юзага келади.Faқат узлуксиз таълимда инсон технологияларнинг жадал ўзгариши шароитида касбий фаолиятга тайёрлик шароитига эга бўлади.

Хозирги касбий таълим ривожланишининг ёрқин майлликларидан бири унинг минтақавийлашуви бўлиб, моҳиятан, бу минтақанинг, унинг ахолисининг ўз тараққиёти “воситаси” сифатида минтақадаги таълим тизимини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжларига жавоб сифатида ифодаланади.

Касбий таълимни минтақалаштириш тамойили таълим муассасаларининг янги ижтимоий-иқтисодий шароитлардаги фаолиятининг бир қатор жиҳатларини қамраб олади.

Ўқитиши индивидуаллаштиришсиз, ҳар бир талаба учун таълим дастурларини тузишсиз узлуксиз таълимни амалга ошириб бўлмайди. Бу ўқув режаларини, дастурларини, таълим жараёнини ташкил қилиш тамойилларини ишлаб чиқишига янгича ёндашувларни талаб қиласди. Демак, фақат таълим мазмуни даражасида эмас, балки ўқитиши усусларида, ташкилий шаклларида, воситаларида ҳам погоналар изчиллигини ташкил этиш вазифаси долзарблашади.

Ўқитиши мазмунини шакллантиришдан олдин унинг аниқ белгиланган мақсадларига эга бўлиш керак. “Ўқитиши мақсади” дидактик категорияси “таълим мазмуни” ва “ўқитиши методлари” категорияси билан чамбарчас боғлиқ, чунки айнан таълим ва ўқитиши мазмунида бўлажак мутахассисларнинг шахсий ва касбий сифатларига нисбатан ижтимоий талаблар ўзининг умумлашган аксини топади. Демак, ўқитиши мақсадлари берилган малака ва ихтисос бўйича мутахассислар узлуксиз таълим мазмунининг барча таркибий қисмлари билан белгиланади. Бирок таълим мазмунининг ўзи ҳам умуман жамият ва хусусан тегишли иқтисод тармоғи ишчи мутахассисларга қўядиган талабларнинг ҳосиласидир.

Таълимнинг олий вазифаси – шахсни ҳар тарафлама ривожлантириш. Бу олий вазифага рус тили, ҳар қандай бошқа фан сингари, ўзига хос бўлган воситалар билан ва албатта ўқитиш, билиш, тарбиялаш, ривожлантириш каби тўрт жиҳатнинг ҳаммаси бўйича ҳиссасини қўшиши лозим. Мана шу ҳолатда барча жиҳатлар шахсни ривожлантиришга ишлайди. Тадқиқот ишимизда танланган тил рус тилини ўзлаштириш жараёни таълим олувчиларга хорижий маданиятни ҳам олиб келиши мумкин ва шарт. Бунда биз маънавий бойликнинг (маданиятнинг) инсонга чет тилини коммуникатив ўқитиш жараёни ўқиш, билиш, тарбия ва ривожланиш жиҳатидан бера оладиган қисмини тушунамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1 A.S.Akmayeva “Хорижий тилларни ўқитишда касбий компетенцияларни таълимдаги роли, ўрни ва амалий аҳамиятига оид масалалар “
2. С.С. Артемьевна “Чет тилини мактабда ва олий таълимда ўқитиш концепциялари ва методикалари”
3. Б.С.Абдуллаева” Узлуксиз таълимни сифат ва самарадорлигини ошириш, изчилигини давомийлигини таъминлаш, касбий компетенцияларни такомиллаштириш ва педагогик муаммоларга бағишлиланган изланишлар”